

Кутлибека

# Шам кўтарган

# аёл



ҚУТЛИБЕКА

**ШАМ  
КЎТАРГАН  
АЁЛ**

*Ҳикоялар*

ТОШКЕНТ  
«DAVR PRESS» НМУ  
2013

Аёлнинг яшаб, юриб ўтаётган бекатларига ном қўйиш зарурати туғилса, «Бардош», «Сабр», «Чидам», «Интизорлик», «Меҳр-муҳаббат» каби номлар қўйилар эди. Мазкур тўпламга қирган ҳикоялар ўша бекатлардаги воқеалар, манзара кечинмалардир.

Ўқисангиз, сиз: «биламан», «танийман», деб юрган Аёлга, унинг қалбига яна бир қадам яқинроқ борасиз.

ISBN 978-9943-4147-4-7

© ҚУТЛИБЕКА, 2013  
© "DAVR PRESS" НМУ, 2013

## БАХТ ҲАМ ОЁҚ ОСТИДА

– Болам...

Севинч онасининг кўзига қарашдан қўрқарди. Аслида қарамаса ҳам катта-катта қора кўзларидаги баҳайбат ҳам сувратини аниқ тасаввур қилади.

– Нима дейсиз, ойи?

– Ҳалиги... Шу гал ҳам таваккал қилиб кўрсакмикан?

«Кўрсангмикан» демайди, «кўрсакмикан» дейди. Доим ўзини қизи, қизлари олдида айбдор сезади. Баъзан Севинч онасини чиндан ҳам айбдор деб билади. Ахир кимсан Жавод Қорақуловнинг қизи бўлган. Унинг отасининг номини эшитганларнинг ўзи типпа-тик турарди. Ана шу одамнинг қизи отаси топган топармон-тутармон, иш жойи тайин, обрўли йигитга тегмай, бетайин бир рассомга теккан. Омадсиз... Ўз кўнгли хоҳишидан ташқари бир сўз айтмайдиган, тилини тийиб юришни билмайдиган...

...

– Ойи, қўйинг, ўзингизни эзаверманг! Кўнглим сезиб турибди, буниси ҳам бўлмайди...

– Болам, кўнглига ҳар балолар келаверади. Барибир таваккал қилиб кўриш керак...

Севинч ойисини тушунади. Бир тарафдан ёши ўтиб кетаётганидан хавотирда. «Бу туришда бирортасига иккинчи хотин бўласан, деб қўрқаман. Унақа ҳаёт дўзахнинг ўзи. Сайёра келинойингни эсла», дейди.

Севинч ойиси айтмаса ҳам, иккинчи хотин бўлиш изтиробларини унча-мунча ҳис қилади. Қўшнилари

Сайёра келинойи: «Иккинчи хотин бўддинг нима-ю, тоқ ўтдинг нима, кўзинг йўлларда сарғаяди. Айниқса, байрамларда билинади, дастурхон тепасида ёлғиз шўппайиб ўтирсанг», – дейди...

Аммо Севинч ҳеч кимга иккинчи хотин бўлмоқчи эмас. Унга қолса-ку, биринчи хотин бўлишга ҳам хоҳиши йўқ. Ахир, ўзини билади... Чап қўли тирсагидан йўқ. Йўқ десаям нотўғри булар-ку, бармоқлари, панжалари ҳаммаси бор, фақат тирсагида. Уни кўрганлар, кўзлари оҳунинг кўзидай экан, сарвқомат, дея кўнгли суст кетганлар қўлини билгач, қудуққа тушгандай бўлиб кетишади.

Онаси-ку бирор марта:

– Бу дадасининг айби. Ичкилик ичарди тинимсиз, ичкиликдан тасалли топмоқчи бўларди. Ўзини қийнаб ўтгани етмагандек, касофати сенга ҳам урди, – деб гапирмаган. Аммо холалари ҳар кўрганда айтиб чарчашмайди:

– Ойинг Дилрабонинг эси бўлганида шу пиёнистага тегармиди? Ўзича дунёни ўзгартириб юбормоқчи бўлди! Қайдаги осмондаги гапларни гапирарди?! Нима бўлди? Ётган жойи қабр! Диля елиб-югурмаганида икки метр кафанлик масаласи ҳам муаммо бўларди!

Балки шундайдир... Аммо Севинч на ўзи хоҳлагандай яшаб ўтган дадасини, на ойисини айблайди. Тақдир-да бу. Ўзига қолса шундай яшайверарди. Адвокат! Иш жойи бор. Фақат холалари «сўзбўрон»ида қолган ойисини, қолаверса, синглиси Гулини ўйлайди:

– Гулижон, ҳеч бўлмаса, сен тушиб тур ойимнинг елкасидан, бирортасининг этагини ушлаб кет! – деб кўп айтади. Гули кўнмайди:

– Сиздан кейин! Фақат сиздан кейин! – дейди.

Севинч билади, бу Гулининг ўжарлиги эмас. Опасининг турмуш қуришини истайди. «Ҳеч йўқса, мени ўйлаб, бирортасига «хўп» деб юборади», деб умид қилади.

Қани ўша Севинчнинг гул япроғидай титраниб турадиган қалбини тушунадиган инсон?! «Қалб кўзи» деган гапларга энди Севинч эртак деб қарайди. Чунки

унга «Қалб кўзи билан кўради», дея бир эмас, уч кишини тавсия қилиб кўришди. Севинч ойиси ва холаларининг зўри билан, ўзининг ақли ҳукмига кириб чиққан учрашувларнинг бирортасини эслагиси келмайди. Эсласа, дили огрийди, жони огрийди. Аммо бутунгидай учрашувга, гадаги учрашувга ойиси қистай бошласа, аввалгиларини эслайди.

\* \* \*

Севинч бунақа қарашларни ёқтирмас эди. «Худди қассоб кушхонага кириб навбатдаги қурбонига шундай қарайди», деб уйларди. У йигитнинг нигоҳида ўша лаҳзадаёқ: «Сени роса мақташди. Яримта қўл билан ҳамма нарсани қилади. Унча-мунча одамнинг қўлидан келмайдиган ишлар қўлидан келади. Ҳатто, тишида тўқий олади, дейишди. Қани нимага ярар экансан?» деган ёзувни ўқиди. Қочиб кетгиси келди. Аммо 200 метр масофа нарида шу йигитнинг ораси билан ўзининг холаси қараб турганини биларди. Шунинг учун қочса ҳам, арзирли баҳона топиб қочиши керак эди. Баҳона ҳам топила қолди.

– Қани, хоним афанди, салқинроқ жойга ўтиб, «ходдок-поддок» еймизми? – деди йигит.

«Хоним афанди», «Ходдок-поддок...» Уни таниганлар ҳеч қачон бунақа муомала қилишмаган. Курсдош йигитлар раъйига қараб туришарди. «Севинч нима деса шу», «Севинч айтсин» дейишарди. Улар «севдим» десаям, Севинчнинг кўнгли қабаришини биларди. Шунинг учун асло бунақа гапларни гапиришмас эди.

Бу йигит эса оғзини тўлдириб, тилло тишларини ярқиратиб: «ходдок-поддок» деди...

Нима, одамнинг бир мучаси кам бўлса, унга шунақа дейиш мумкин экан-да... Ахир бу қуёш остида, замин устида суврати бутун бўлса-да, сийрати камлар тўлиб ётибди-ку. Нега уларга «ходдок-поддок» дейилмайди? Таъзим бажо келтирилади?!

– Узр, мен «ходдок» емайман, «поддок»ни-ку мутлақо!  
– деди Севинч.

Йигит гангиб қолди. У бунақа жавоб кутмаган экан, шекилли.

Кетаётганда йигитнинг опаси:

– Кунглимнинг кучаси... – дея пичинг қилди.

Бизнинг томонларда бахтли яшаш учун келин-куёвнинг бир-бирига мослигига парво қилинмайди. Опаси, акаси, ҳатто амаки, колалари ҳал қилади бахт масаласини... Шунинг учун: «Бир оғиз сўз ҳал қилмайди-ку ҳамма нарсани. Ҳеч йўқса, ярим соат гаплашсанг бўларди...» деган холасига, «Йўқ, ярим соатнинг кераги йўқ. Унда Севинч уни жудаям ёмон кўриб қоларди», деди ойиси.

Шундан сўнг анча пайтгача на онаси, на бошқаси унга учрашув, оила масаласида гап очишмади.

Орадан ойлар ўтиб, ойисининг дугонаси яна бир номзод топди:

– Хотини ўлган экан, ўғилчасини қайнанаси бермасмиш, ўзига тўқ одам, жон Севинч, бир учраш, сендан нима кетди?!

Севинч «йўқ» дерди, аммо онасининг мўлтираб турган кўзларига дош бера олмади. Эҳ, жудо, ким экан бу она деганлари... Болам, деяверса, болам, деб ёниб-куяверса... Таваккалга чидамаса...

Севинч чиқди. Онасининг ўртоғи орқага ўтирди, Севинчни олдинга ўтқазди. Бир қарашда кўркам, келишган эркак... Ёшдаги фарқ ҳам билинмайди. Аммо машина гавжум кўчалардан ўтиб олгач, эркак бир-икки оғиз гапдаёқ машинани секинлатиб:

– Қани, Севинч, мунча «қўли-қўли» дейишди, қўлингизни кўрай-чи, балки бир силасам тузалиб кетар... – деса бўладими?

Курсдош йигитлар Севинчнинг олдида иложи борича, «қўл» сўзини ишлатмасликка ҳаракат қилишарди...

Севинчнинг юраги тўхтаб қолай деди. Шунда жон ҳолатда:

– Машинани тўхтатинг! Сакрайман бўлмаса! – деди.

Эркак нима деса деб ўйлагандир, онаизори эса бўлган воқеани эшитиб:

– Нимага кўнгли йўқ бу одамларнинг! Қачон кўнглидан айрилди бу одамлар?! – дея йиғлади. Ва ойлар давомида Севинчга оила ҳақида оғиз очишга ботинолмади... Аммо «Вақт — ҳакам» дейишади-ку. Аста-аста яна бир номзод топилди. Хайрият, Севинч бу гал учрашувга чиқмасдан асос топди: номзоднинг хотини хиёнат қилган экан.

– Хотини хиёнат қилган эркакни... сиз эркаклар қаторига қўшасизми? – деб сўради Севинч ойисидан. Эҳтимол, холасидан сўраганда: «Севинчим менинг, ахир хотин ҳам одам, уям бировни севиб қолиши мумкин-ку», – дерди.

Аммо онаизори кўпинча Севинчдай ўйларди.

– Хотинини хиёнатга берган эркакни илгари замон бўлса, тошбўрон қилишарди, – деди.

Бу Севинч кутган жавоб эди. У хиёнат қилган аёл хиёнатида аёлни эмас, эркакни айблар эди. Ўша эркакда ҳеч йўқ ўлдириш имкони бор, деб ўйларди. Адвокатлик тажрибасида бундай ҳолатларда ўзини жабрланган кўрсатган эркакларга раҳм қилмасди.

...Мана, яна шунча вақт ўтиб ойисининг жонкуярларидан бири янги номзод топибди...

– Ойи, ҳеч юрагим чопмаяпти, бормай қўя қолай... – Севинч ойисининг кўзига термилди: – Мана, сиз севган кишингизга турмушга чиқдингиз. Лекин бахтли яшай олдингизми? Бир умр қийналдингиз. Бувам, бувимдан таънаю маломатларга қолдингиз. Қолаверса, дадам ўз билганча яшадилар. Кун кўрмадингиз. Нима кераги бор турмуш деганнинг?! Мана энди бизнинг дардимизни тортяпсиз...

– Эҳ, қизим... Севиб, севилишнинг ўзи бахт-ку. Майли, қийналиб яшасам ҳам чиндан севдим, чиндан севиладим-ку. Она бўлиш яна бир бахт. Икковинг бўлмасаларинг... мен нима учун яшардим?

Севинч жим қолди. Аммо шу бугун ростдан ҳам учрашувга чиққиси йўқ эди.



– Эртага, ойи, хўпми? Эртага чиқаман, кўнглингиз тўқ бўлсин!

– Вой, қизим-ей, эртага қурбақалар шаҳзодаларга айланиб қоладиган кун эканми?

– Балки... Худойимнинг муъжизаси кўп-ку!

\*\*\*

Севинч аслида шу гувоҳ билан эртага учрашмоқчи эди. Эртагача қай йўсинда гапиришни яна бир бор хаёлидан ўтказиб олмоқчи. «Эртага учрашувга чиқсам, бутун борақолай, тўппа-тўғри уйига бораман», деб ўйлади.

– Қаёққа, Севолоқ? – Онаси уни эркалатгиси келса, бувиси қўйган исм билан чақирарди.

– Шу буюк воқеалар арафасида, бир ҳаво олиб келай...

Онаси кулимсиради.

Севинч хаёл билан кўчанинг бу юзида туриб қолди. Беихтиёр машинага қўл кўтарди. Жуда сийрак учрайдиган оч мовий рангли машина сал ўтиброқ тўхтаб, яна орқага қайтди. Севинч хижолат бўлди. Ахир у йўлнинг нариги тарафига ўтиб машина тўхтатиши керак эди-ку. Энди сир бой бермаслиги керак.

– Мени Навбаҳор массивига ташлаб қўйсангиз...

Севинч орқа ўриндиққа ўтирди. «Агар мени меҳмон деб ўйласа, роса айлантиради», кўнглидан ўтказди, «Лақма, паришонхотир, деб ўйлагандан меҳмон деб ўйлагани яхшироқ...»

– Узоқми бу массив? – деб сўради атайин.

– Меҳмонмисиз? – йигит саволга савол билан жавоб қилди.

– Ҳа.

– Айлангани келдингизми шаҳримизга?

– Ҳа.

– Қалай, ёқдимми?

– Ҳа.

– Сизга бу тарафларга келишдан аввал: «Уша шаҳарга борсангиз, савол беришса, фақат бир бугинли сўз ишлатинг. Булмаса, сизни сергап деб келин қилишмайди», деб ургатишганми?

– Ҳа...

Иккови барабар кулиб юборишди. Йигитнинг сўзлари каби юзи ҳам самимий эди.

– Ана энди тўғриси айтиверинг, дўст бўлдиқ ҳисоб. Меҳмонман, деб нега ёлгон гапирдингиз?

– Нега ёлгон гапирди деб уйлаяпсиз?

– Чунки сиз... ёлгон гапирсангиз қип-қизариб кетар экансиз...

– Психологмисиз? Балки мен ўзим қизилдирман... Биласизми, мактабда мени «Олча» дейишарди.

Севинч табиатан сергап эмасди, айниқса, эркаклар билан тез киришиб кетмасди. Ҳозир очилиб гапираётганига тўғриси, ўзи ҳам ҳайрон эди.

– Фақат қип-қизариб кетганингиз эмас... Сиз фақат «ҳа» дедингиз, ортиқча сўз айтсангиз, шевангиздан дарров меҳмон эмаслигингиз билиниб қоларди.

– Бўлди, сиз Шерлок Холмссиз, – деди Севинч.

– Худо сақласин, мен унақа касб эгалари билан чиқиша олмайман, – деди йигит.

Севинчнинг юраги «зирқ» этди. Озгина дақиқаларда ўзига яқин бўлиб қолган бу йигитдан бирдан узоқлашиши зарурлигини ҳис этди.

– Нега?

– Билмасам, менга оддий одамлар ёқади. Масалан сиздақа, «Менга мактабда «Олча» дейишган», деса уялмайдиган...

Севинч индамади.

...Манзилга етиб келганларида доим сумкасини чап билагига осиб юрадиган Севинч ўнг билагига олди. У, «Менга сиздақа одамлар ёқади» деган йигитга негедир қўлини кўрсатгиси, унинг чеҳрасида ачиниш ҳиссини кўргиси ва шу билан ўзини азоблагиси келди. Шу ёшида, шу ҳолида биринчи учраган йигитга нисбатан кўнглида илиқ туйғу уйғотгани учун ўзини жазолагиси келди.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi <https://kitobxon.com/uz/asar/3072> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/3072> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/3072>